



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 5 сентябр, сешанба №131 (963)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

БУЮК КЕЛАЖАКНИ БАРКАМОЛ АВЛОД ҚУРАДИ

Ўзбекистон халқи истиқлолга эришган илк кундан бошлаб ўз олдига буюк келажак қуришдек олий мақсадни кўйди. Аини пайтда амалга оширилаётган барча ишлар шу мақсадга қаратилган. Буюк келажакни баркамол авлод - доно, билимли, интилувчан ва қобилиятли ёшлар қуради. Ўзбекистонда босқичма-босқич амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури айнан ана шундай авлодни тарбиялаб, вояга етказишга хизмат қилмоқда.



Ўрнатиш ва таъмирлаш, заргарлик буюмлари ва тақинчоқлар тайёрлаш, миллий меъморлик-декоратив санъати ва нақши каби йўналишлар бўйича таълим берилган.

Янги илм маскани энг замонавий техника воситалари билан жиҳозланган. Кимё лабораторияси, информатика хонаси ва тўртта ишлаб чиқариш устахонасининг жиҳозланиши жаҳон андозаларига жавоб

беради. Тикув-дизайнерлик хонасида эса дунёга машҳур «Pfaff-Singer» компаниясининг тикув машиналари ўрнатишган.

Коллежда ўқувчиларнинг спорт билан шуғулланиши учун яратилган шарт-шароит кишида ҳавас уйғотади. Бу ерда теннис кортлари, футбол майдони ва ёпиқ спорт зали мавжуд. Усти ёпиқ сув ҳавзасида эса қишин-ёзин сузиш билан шуғуллана

ниш имконияти бор. Давлатимиз раҳбари янги ўқув мавсумида иш бошлаган мазкур коллеж очилишида сўзга чиқиб, Ўзбекистон келажаги айнан ана шундай замонавий билим масканларида таълим оладиган ёшларимиз қўлида бўлишини яна бир бор таъкидлади. Маросимда сўзга чиққан ота-оналар ва ўқувчилар Президентимизга ёшларга кўрсатилаётган бундай юксак эътибор,

яратилаётган имкониятлар ва ғамхўрлик учун миннатдорлик изҳор қилди.

Юртбошимиз коллеждаги синф хоналари ва устахоналар билан таълим ҳолида ўқувчилар ва мураббийлар билан суҳбатлашди. Уларнинг фикр-мулоҳазаларини тинглади. Мамлакатимиз раҳбари коллежлардаги ўқув хоналарини жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади.

Биз дунёнинг энг ривожланган давлатларида, жумладан, Япония ва Жанубий Кореяда бу иш қандай йўлга қўйилганига эътибор қаратиб, уларнинг илгор ўқитиш услубларини ўрганиб, мактабларимизда ўзимизнинг миллий таълим-тарбия борасидаги тажрибаларимиз билан уйғунлаштириш мақсадида мувофиқ бўлади, деди Президент.

Ислом Каримов коллежда заргарлик, бадиий ўймакорлик ва нақш сингари миллий ҳунармандлик турларидан илм берилишига юқори баҳо берди.

Анвар КАРИМОВ, ЎЗА мухбири.

Жиззах вилоятининг Зафаробод туманидаги Собир Раҳимов ижара ширкатлар бирлашмасида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг ўнлаб моддалари бўйича жиноий завога тортилган шахсларни озод қилиш ёки жазо мuddатини энгиллатиш белгиланган. Хужжатнинг яна бир диққатга сазовор томони шундаки, у мамлакатимиз ҳудудида турли жиноятлар содир этган хорижий давлатлар фуқароларига нисбатан ҳам қўлланилади. Таъкидлаш керакки, ушбу авф бир неча тоифадаги жиноятчиларга қўлланилмайди. Бундай жиноятчилар қаторига мамлакатимиздаги конституциявий тузумга қарши ҳаракат қилганлар, террорчи, экстремистик гуруҳлар ва бошқа ноқонуний ташкилотлар ҳамда жиноий уюшмаларнинг аъзолари қиради. Президентимиз Тошкентдаги машъум феврал воқеаларидан сўнг ёшлиги ёки бошқа бирор кечиримли сабаб билан тўғри йўлдан адашган, ҳар хил террорчи ва диний экстремистик ташкилотларга кириб қолган юзлаб фуқароларнинг гуноҳидан ўтган эди. Улар айбини тан олиб, тавба қилди. Бироқ шунча мурувватдан кейин ҳам уларнинг баъзилари ўз қабиҳ ниятидан қайтмай, ҳар хил йўллар билан халқимизнинг тинчлиги, осойишталигини бузишга уринди. Халққа қарши қўл кўтарган бундай ноқарорлар энди кечирилмаслиги керак. Анжуманда Ўзбекистон Президентининг мазкур Фармонида халқимизга хос бўлган инсонпарварлик, кечиримлилик хислатлари мужассам экани таъкидланди. Хуқуқни муҳофаза қилиш органлари вакиллари маҳбусларнинг озодликка чиққандан кейинги ҳаёти эътибордан четда қолмаслигига алоҳида эътибор қаратилишини билдирди. Хусусан, аини пайтда ҳокимликлар қошида собиқ маҳбуслар учун кўникама ҳосил қилиш марказлари ишлаб турибди. Бу муассасалар амнистияга тушганларни иш билан таъминлаш, яна тинч ва эркин ҳаёт кучоғига қайтариш билан шуғулланади.

БАРЧА МАНФААТДОР

Бу йил вилоят бўйича 80 минг гектар майдондаги ғўзаларнинг барги тўктирилиши лозим. Бунинг учун 240 та ОВХ агрегатларидан ҳамда самолётлардан фойдаланиш режалаштирилган. Ана шу ишларни бажариш учун керакли бўлган препаратлар ҳозирланган. Бутун эътибор бу муҳим тадбирни 15 иш кунинида ниҳосига етказишга қаратилган.

«ҲЕЧ КИМГА БЕРМАЙМИЗ СЕНИ, ЎЗБЕКИСТОН!»

Бундан роппа-роса икки ой муқаддам Тошкентдаги Марказий ҳарбий-спорт клуби ўйингоҳида «Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!» ҳарбий ватанпарварлик кўшиқлари фестивали бўлиб ўтган эди. Фестивалда янграган кўшиқлар ҳамон юртдошларимиз қалбидан жаранглаб турибди. «Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!» сўзлари бутун миллатни бирлаштирувчи шiorга айланди. Ҳозирда бу фестивал мамлакатимиз бўйлаб давом этмоқда. 3 сентябр кuni мазкур фестивал Самарқандда ўтказилди. Унинг анъанавий ташаббускорлари - Фидокорлар миллий демократик партиясининг Ёшлар қаноти, Олий Мажлиснинг Ёшлар ишлари қўмитаси, Мудофаа вазирлиги, Ёшлар телерадиоканали, «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси, «Тарона-Ре-

кордс» студияси қаторига Самарқанднинг «СТВ» телерадиоканали ҳам қўшилди. Шаҳар марказидаги «Динамо» ўйингоҳига одам сизмай кетди. Вилоят санъаткорлари ҳамда меҳмонлар - Руслан Шарипов, Тоҳир Содиқов, Равшан Собиров каби таниқли эстрада хонандалари ижросида она-Ватан мадҳ этилган кўшиқлар янгради. Ҳарбийлар ҳамда спортчиларнинг чиқишлари томошага ўзгача қўрқ бaxш этди. Тинчлик ва дўстлик, Ватанга муҳаббат туйғулари барқ уриб турган кўшиқларга томошабинлар ҳам жўр бўлди. Фестивал вилоят бўйлаб давом этаётган мустақиллик байрами шодиёналарига уланиб кетди. Тадбирдан тушган маблағлар чекка қишлоқларда спортни ривожлантиришга сарфланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2000 йил 5 сентябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, боғжона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан куйидаги қийматини белгиледи:*

1 Австралия доллари	168,33
1 Австрия шиллинги	19,10
1 Англия фунт стерлинги	427,27
10 Бельгия франки	65,17
1 Голландия гульдени	119,29
10 Греция драхмаси	7,80
1 Дания кронаси	35,25
1 БАА дирхами	79,46
1 АКШ доллари	291,83
1 Миср фунти	83,20
10 Испания песети	15,80
100 Италия лираси	13,58
1 Канада доллари	198,19
1 Хитой юани	35,25
10 Люксембург франки	65,17
1 Малайзия ринггити	76,81
1 Германия маркази	134,41
1 Польша злотийси	66,83
1 СДР	380,16
1000 Туркия лираси	0,45
1 Финляндия маркази	44,21
1 Франция франки	40,08
1 Швейцария франки	169,42
1 ЕВРО	262,88
10 Жанубий Корея вони	2,64
10 Япония иенаси	27,58
1 Россия рубли	10,52
1 Украина гривнаси	53,66

Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Ер-ўзбек деҳқони учун ноз-неъматлар хазинаси, ризқ-рўз уммонидир. Ватанимизда бирон кафт ер йўкки, унга заҳматқаш деҳқоннинг манглай тери томмаган бўлсин. Бу ҳолни аиникса, Жиззах туманида яққол кўриш мумкин. Қачонлардир хансираб ётган ерлар, бугун мўл-кўлчилик, фаровонлигимиз негизи бўлиб турибди.

—Туманимизда ислохотлар собитқадамлик билан олиб борилмоқда — дейди мухбиримиз билан суҳбатда Жиззах тумани ҳокими Парда Шуқуров.— асосий эътиборни деҳқон фермер хўжаликлари фойдаланилгани сабаб, фаоллигини кенг қанот ёйдиришга, кишиларимизни ҳар жиҳатдан ижтимоий ҳимоя қилишга қаратмоқдамиз.

Маълумки, бир неча гектар ерни ажратиб бериш билан иш битмайди. Чунки ерни ҳам ардоқлаш, унга бор меҳрингни беришинг керак. Ер баҳона, важкорсонларни ёқтирмайди. Бу йил сир эмас,

сўғориш масаласида бир мунча тангликлар юзага келмоқда. Далаларимизга 24 кубометр ўрнига 10 кубометр сув етиб бормоқда. Демак, унинг ҳар томчисини зар билиб, тежаб-сарфлашимиз керак. Шундай қилаёмиш ҳам, оби-хаётдан оқилона фойдаланилгани сабаб, галла майдонларимизни ўз вақтида сўғориб, улгурдик. Натижа кунтирилганидек бўлди. Галла етиштириш режасини 110 фоиз қилиб уд-

даладик. Деҳқон ва фермер хўжаликлари бу хирмонга катта ҳисса қўшдилар. Аини пайтда, ҳар бир фермер хўжалиги аъзосига камида 300-350 килограмдан галла тарқатилди. Деҳқон-фермерларимиз аҳолини ижтимо-

лар билан мактабларга янги парталар, ўқув жиҳозлари, кам таъминланган оилалар болаларига ўқув қўлланмалари, кийим-бошлар олиб берилди. Бу ишда улар ўзларини кўз-кўз қилиш, ном қозониш учун эмас, виждоний бурч деб билмоқдалар.

лаштиришнинг сезиб ашаш қанчалар яхши. Мен бу ерда фалончи фермер ундок қилди, фалончи сундоқ қилди демокчи эмасман, уларнинг ҳаммаси фидойи, ҳаммаси эл-юрт учун тер тўкиб меҳнат қилиб келётган инсонлардир.

Туман марказида «Фермерлар уйи» ташкил этиш режамиз ҳам бор. Аввало фермер уйи нима? Бу деҳқон фермерларнинг муамоларини ҳал этиш,

лар энди қимматли вақтларини йўқотмайдилар, барча саволларига фермерлар уйдан жавоб топадилар. Қўшма корхоналар ташкил этишга ҳам жиддий эътибор қаратяпмиз. Ҳозирда чеҳиялик мутахассислар билан бирга ташкил этилган агро-фирма миз ишлаб турибди. Хитойлик мутахассислар эса иссиқхоналаримизга қизиқиб қолишиди. Яқин кунларда бу борада иши-

миз ҳам ривож топса ажаб эмас. Кўпинча мен туман меҳнатқашлари билан учрашганимда «Мустақиллик бизга нима берди?» деб сўрайман. Кўпинча «Эрк берди, ерга ўзимиз хўжайин бўлдик, ишлаб чиқаришнинг янги шакллари ташкил топди» дейишади. Буларнинг ҳаммаси тўғри. Мустақиллик бизга энг аввало - ҳуқуқ берди яъни, иқтисодий эркинлаштириш ҳуқуқини, ислохотларни чуқурлаштириш ҳуқуқини берди. Улар бугун ҳаётимизнинг асосини ташкил этмоқда.

Замон билан ҳамнафас бўлиш - бу янги технологиялардан фойдаланиш, ердан бир йилда бир неча марта ҳосил олиш, тежамкорлик ва энг муҳими яратишга иштироқмандликдир. Туманимиз меҳнатқашлари бунини жуда яхши англайдилар.

ЎЗ ЎРНИНИ ТОПГАН КИШИЛАР

Ислохот инсон учун

Меҳнаткаш манфаати йўлида

Вазирлар Маҳкамасининг «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича Республика мувофиқлаштирувчи кенгаш фаолиятини фаоллаштириш тўғрисида»ги қарори тадбиркорлик билан шуғулланувчилар учун дастуриламал бўлди.

Ана шу қарор асосида, Сирдарё туман суди қошида ҳам «Кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва химоя қилиш» бўлими ташкил этилди. Бўлимда «Ишонч» телефонлари ўрнатилиб, тадбиркорлар билан тўғридан-тўғри мулоқотда бўлишга имкон яратилди. Ҳозирги кунда бўлим томонидан хусусий мулк эгалари ҳуқуқларини, уларнинг қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатларини химоя қилиш бўйича ҳокимиятларга тақдимномалар ва ҳужалик судига даъво аризалари киритилаяпти.

Айтиш жоизки, тадбиркор ва хусусий мулкдорлар билан ҳамкорликда ишлаш ҳозирданок ўз самарасини берапти. Энг аввало, улар ўз ҳақ-ҳуқуқини тушуниб етаётган бўлса, иккинчидан, ташқаридан туриб улар ишига аралашувлар, ҳуда-беҳуда текширувларга чек қўйилди. Бу эса ишбилармонларнинг янада кўп ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришига, эл маъмуричилигини таъминлашга кенг йўл очди. Масалан, хомчўтларга қараганда йилнинг биринчи чорагида туман бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 18 фоизи, иккинчи чорак якунига кўра эса бу кўрсаткичнинг икки ярим ҳиссаси тадбиркорлар улушига тўғри келди. Бу — туманда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг қарийб тенг ярмини хусусий мулкдорлар ишлаб чиқарди, демакдир.

Тадбиркорлар билан ҳамкорлик қилиш борасида яна бир муҳим жиҳат бор: ҳужаликларда, маҳалла ва қишлоқларда

ҚОНУННИ БИЛГАН ҚОҶИЛМАЙДИ

улар билан тез-тез учрашувлар, семинар-кенгашлар ўтказиб бораёلمиз. Ўзаро фикр алмашувларда улар олдида кўндалан бўлаётган муаммолар ҳам таҳлил этилиб, ўз ўрнида бартавраф қилинмоқда. Кези келганда шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, ишбилармонлар орасида ўз ҳақ-ҳуқуқини тўла англаб етмайдиган, тадбиркорликнинг мазмун-моҳиятини билмайдиганлар ҳам учраб турибди. Масалан, ана шу жиҳатлари тегишли идора мутасаддилари ҳамкорлигида ўрганилиб, ҳафтанинг бир кунини тадбиркор ва хусусий мулкдорлар учун очик эшиклар кунини этиб белгилади. Бунда турли соҳа мутахассислари уларни қизиқтираётган саволлар юзасидан фикр алмашади, керакли дастур ва меъёрий ҳужжатлар билан таништириб борилади.

Гуруч курмаксиз бўлмаганидек, қонун-қонидани била туриб, тадбиркорлар йўлига гов бўлаётганлар ҳам учраб турибди. Уларнинг аксариятини мансабдор шахслар ташкил этаётганлиги янада ачинарли. Масалан, туман ҳокимининг шу йилги 317-қарори билан «Синдоробод» ширкат ҳужалиги тасарруфидаги 947 гектар ер майдони янги очилган «Пахтакор» фермер ҳужалигига ўн йил муддатга берилган. Лекин шу ҳудуд-

даги 50 гектар боғ фермер ҳужалигига ажратилмаган ва бу боғ 9 та оила пудратчига «Синдоробод» ширкат ҳужалиги томонидан шартнома асосида узок муддатга ижарага берил-

ган. Шундай бўлса-да, «Пахтакор» фермер ҳужалиги раҳбари Х. Сафаров пудратчиларга «биз билан шартнома тузасанлар, акс ҳолда, деҳқончилик қилишга ҳам, сугориш иншоотларидан фойдаланишга ҳам йўл қўймайман», дея уларни исканжага олган.

Бу мисолга нега алоҳида тўхталдим. Сабаби шуки, Х. Сафаров деҳқончиликда анчагина тажрибага эга. Боз устига, қонун-қонидани ҳам яхши билади, аммо унинг қилган бу ишига қандай баҳо берса бўлади? Бу воқеанинг натижаси суд залида якун топди: янги у амалдаги қонуннинг 198-моддаси, 1-бандига кўра, жарима жазосига тортилди.

Шу ўринда қонуншунос сифатида мени қонунчилигимиз устуворлигини баъзи раҳбарлар хаспўшлаётганлиги, кўрабила туриб, тадбиркорни сарсон-саргардон қилаётганлиги ўйлантириб қўйди.

«Холиқжон» фермер ҳужалиги туман ҳокимининг қарорига кўра, 78,7 гектар ер олганида «ишлашга имкон яралди», деб қанчалик қувонган бўлса, кейинчалик «Шоликор» деҳқон ҳужаликлари бирлашмаси раҳбариятининг тазйиқига учрашини хаёлига ҳам келтирмаган, деб ўйлайман. Маълум бўлишича, бирлашма маъмурияти

қарорни кўрса-да, фермерга ерни бериш ва ундан фойдаланишга тўсқинлик қилиб келган.

Инсон манфаати, унинг ҳақ-ҳуқуқи хамиша устувор ва қонун билан кафолатланганлиги яна бир бор ўз исботини топди. «Холиқжон» фермер ҳужалигига ер қайтарилди, бирлашма маъмурияти эса энг кам иш ҳақининг 7 баравар миқдорида жарима тўлашга мажбур бўлди.

Худди шунингдек, жойларда жамоа шартномалари талабларига риоя этишда ҳам ўзибўларчилик ҳоллари учраб турибди. Инсон манфаати, ишчининг ҳақ-ҳуқуқини химоялаш каби тамойиллар онда-сонда бўлса-да, бузилмоқда. Айтайлик, Ш. Раҳимов номли ширкатлар уюшмасидан Б. Деҳқонов, шу ширкатдан Х. Жабборовлар ўз ишидан ноқонуний бўшатирилганликларини билдириб, мурожаат қилишди. Айтиб ўтиш керакки, ноҳақ ишдан бўшатирилганлар тумандаги бошқа ҳужаликларда ҳам бор.

Ана шу масала юзасидан ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, айрим ташкилот ва ҳужаликлардаги касабаяушмаси мутасаддилари ишчиларга амалий ёрдам кўрсаби, уларни қўллаб-қувватлаш, зарур шароитлар яратиб бериш ўрнига, ўзлари қонунларимизни яхши билмайдиган ҳудуд ҳамон раҳбар билан муросасозлик қилиш одатини тарк этмаган. Бу эса одамларнинг ойлаб ҳатто йиллаб овораю-сарсон бўлишларига сабаб бўлаяпти.

Хулоса ўрнида шуни айтмоқчиманки, мустақил юртимизда қонун барча учун баробар.

Миршариф МЕЛИЕВ, Сирдарё туман суди раиси.



«Паландара» ширкат ҳужалиги нафақат Китоб туманида, балки Қашқадарё вилоятида ҳам ширин-шакар сархил мевалари билан танилган. Ҳужалик жорий йилда 2600 тонна узум етиштириш мажбуриятини олган. Бунда 65 нафар ижарачи, шу-

нингдек 468 нафар оила пудрати асосида иш юритаётган соҳибкорларнинг улуши қатта.

Суратда: Оилавий пудратчи Марҳаб Остонова.

Ш.СУЛТОНОВ олган сурат.

ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНДИЛАР

Қувасой шаҳар ҳокимлигининг меҳнат, аҳоли иш билан таъминлаш ва ижтимоий химоя қилиш бўлими ходимлари ишсизларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор беришяпти.

Шаҳар ҳокимининг «Бўш иш жойлари ярмаркасини ўтказиш тўғрисида»ги қарорига асосан «Муён» қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Бобгон ва Полмон маҳаллаларида меҳнат бўлими томонидан ушбу тадбир ўтказилди.

Тадбирда шаҳардаги «Кварц» ҳиссадорлик жамияти, коммунал фойдаланиш бошқармаси, МТП, уй-жой бошқарма-

си, «Муён» ширкат ҳужалиги ҳамда «Қувасойтаъмирловчи» ҳиссадорлик жамиятлари ўзларидаги мавжуд бўш иш ўринларини маълум қилдилар. Унда иш билан 12 нафар ишторк этди. Улардан 4 нафари ишга жойлаштирилди. Шу ўринда ярмаркани ташкил этиш ва ўтказишда «Бобгон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси И.Болтаеванинг хизматларини таъкидлаб ўтиш лозим.

Шунингдек, меҳнат ярмаркаси Чек қишлоқ фуқаролар йиғини ва шу йиғинга қарашли Пакана ва Кўкилон қишлоқларида ҳам бўлиб ўтди. Бунда «Қувасойцемент» ҳиссадорлик жамияти, уй-жой бошқармаси, «Автоарго» ҳиссадорлик жамияти, А.Икромов номли ширкат ҳужалиги, шаҳар халқ таълими бўлими вакиллари иштирок этдилар. Натижада 6 киши ишга жойлаштирилди.

Маълумки, бугунги кунда тадбиркорликка ҳам кенг ўрин бериляпти. Шаҳар меҳнат бўлими ходимлари томонидан ўрта мактабни битирган ёшларни Фарғона шаҳридаги «Бизнес мактаби»га жалб этиш, тадбиркорлар ташаббусларини учун тарғибот-ташвиқот ишлар олиб боришяпти.

А. ТҶҲАСИНОВ, «Ишонч» мухбири.

ТЕРМИЗ БОЗОРЛАРИ

Илгари Сурхондарё вилоятидаги қатор бозорлар кўримсиз бўлиб, халқ талабига унча жавоб бермасди. Республика мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ бозорларни обод қилишга эътибор кучайди. Яқинда Термиз шаҳри ва Шеробод, Жарқўрган, Ангор, Узун, Сариосиё, Денов бозорларидаги қурилиш ва таъмирлаш ишлари ниҳоясига етди.

Шу ўринда Шеробод туманидаги Ж. Холмуродова раҳбарлик қилаётган «Дилрабо» хусусий фирмаси курувчиларининг меҳнатини алоҳида таъкидлаш керак. Норхон Абдурахмонова,

Сайёра Қамбарова, Мингбўта Мухаммадиев, Баҳром Идрисов, Ҳусниддин Муртазақулов, Жамшид Ибодов, Александр Қолчанов каби серғайрат ишчилар қурилиш ва таъмирлаш ишларида фаол иштирок этдилар.

Уларнинг намунали ва сифатли ишлари эътиборга олинди, бошланғич касабаяушма кўмитаси муқофотлари берилди. Термиз шаҳри аҳолисига замонавий, жаҳон андозаларига мос деҳқон бозорлари тўхфа этилди.

Рустам ДАВЛАТ, «Ишонч» мухбири.

ҲИССАДОРЛАР САХОВАТИ

«Самарқандқитоб» акциядорлик жамияти аъзолари яхшигина фойда кўрди. Ҳиссадорлар фойданинг бир қисmini савоб учун сарфлашга аҳд қилишди. Булунгур тумани мактаб-

лари учун 1 миллион сўмлик, Самарқанд шаҳридаги кутубхоналарга 250 минг сўмлик, вилоятдаги Меҳрибонлик уйларида 25 минг сўмлик ўқув қўлланмаларини совға қилишди.

Бошланғич ташкилот-

чилди. Корхона маъмурияти ва касабаяушмаси ўз дастурларидаги режуга кўра жамият тасарруфидаги дам олиш масканлари, санаторийларни таъмирлаш ва буюмушларга етарлича маблағ ажратди. Масалан, кор-

тиш, ҳарбий хизматдан қайтган ёшларга энг кам иш ҳақининг ўн баравар миқдорида моддий ёрдам ажратиб, санаторий-профилакторийларга ҳар бир ишчига бепул ўйланмалар бериш каби долзарб ишлар дастурлардан кенг

КОРХОНА ИҚТИСОДИНИ

ларининг тутган ўрни ҳам эътибордан четда қолмади. Шулар қаторида ишчининг корхонага келиб-қетишига қараб эмас, балки унинг бу ерда баҳараётган иши, корхона ва жамоага келтирётган фойдаси ўрганилиб, ойлик-маошлар қайта тақсимланди. Кўп йиллик меҳнат фаолиятига эга бўлган ишчиларнинг яратувчилик ишларини қўллаб-қувватлаш, ташаббус ва ишбилармонликка йўл

хона ишчиларининг фарзандлари соғломлаштириш масканларида дам олиш учун йўлланмаларнинг 80 фоизи маъмурият ҳисобидан, 20 фоизи касабаяушмаси ҳисобидан қилиб тақсимланди. Шунинг билан биргаликда тиббиёт муассасаларидан берилган рецептга асосан ишчиларнинг даволаниши ва муолажа олиши учун ҳар бир кишига ўртача энг кам иш ҳақининг уч баравари миқдорида бепул дори-дармонлар ажра-

«Ишонч» бонг уради

Кўшқўпир туманининг «Гулистон» жамоа ҳужалиги 3-бригадасида яшовчи Хайитбой Матназаров тадбиркорликка кенг йўл очилганидан гоят қувонди. Ҳафтанинги қариндошлари, дўстларини тўлаб, хусусий корхона очди. Номини «Аланга» деб қўйди. Кичик корхона асосан гишт ишлаб чиқаришга мўлжалланган эди. Шу боисдан жамоа ҳужалигидан гишт заводини ҳамда скреперли тракторларни ва биттадан прицепни сотиб олди. Дастлабки йили иш самарали бўлди. Корхона ўша йили бир миллион донга гишт сотди. Ишчиларнинг ойлик маошлари ҳам кескин ошди. Ҳафтанинги жамоа бошқаруви раиси Комил Собировнинг илтимоси билан «Аланга»чиларнинг тракторлари жамоанинг ишларини ҳам бажариб юрди. Раис негадир корхонага сотилган трактор механизмларини, техпаспортини беришни пайсалга солиб қолди. Корхона раҳбари Хайитбой Матназаров ҳам ишлари юриши тургандан кейин ҳужжатларни қатъий талаб қилмади. 1997 йилда жамоани янги раис Субхонберди Абдуллаев бошқара бошлади. У тадбиркорларга ёрдам бериш ўрнига «Аланга»чилар «оёғига тушов» солди. Трактор ва механизмларни ўз эгасига қайтариш ўрнига гишт заводини тегишли электр трансформаторини ҳам кўпориб олиб

кетди. 1997 йилда чала ишлаган корхона 1998 йилда мутлақо ишламади. Ишчилар ишсиз қолишди. Нима қилишини билмай қолган Хайитбой Матназаров туман ҳокимига мурожаат қилди. Ҳафтанинги ҳоким Ҳайитбой Матназаров туман ҳокимига мурожаат қилди. Ҳафтанинги ҳоким Ҳайитбой Матназаров туман ҳокимига мурожаат қилди. Ҳафтанинги ҳоким Ҳайитбой Матназаров туман ҳокимига мурожаат қилди.

Гишт заводини олиб келинган электр симлари ва устунларни кўпориб олиб кетди. Хусусий кичик корхонанинг ўн нафар азоси бармоқ тишлаб қолаверди. — Тадбиркорларни қўллаб-қувватловчи фармонлар, қарорлар чиқариляпти. Лекин буларнинг ижроси бизнинг қишлоғимизда таъминланмапти, — дейди сабр-қосапи тўлиб тошган Х.Матназаров.

ларни жамоа ҳужалиги етти йилга фойдаланишга олиб келган. Шу йиллар давомида тракторларнинг қанчадан-қанча эҳтиёт қисмлари ишдан чиқмади дейсиз? «Аланга»чилар эса қанчалар моддий ва маънавий зарар кўрдилар. Гишт заводи ва трактор механизмларини сотиб олганлигини тасдиқловчи далолатномага эга бўлган Х.Матназаров етти йилдан буён ўз мулкига тўла эгаллик қилолмади. Далолатномага Кўшқўпир тумани хусусийлаштириш бўлими бошлиғи Р.Машариповдан тортиб, жамоа бошқарувининг раиси, бош ҳисобчиси, солиқ инспектори каби жамия етти нафар мутасаддининг жимжимадор имзоси бор.

Хусусий корхона тўла ишламаганидан унинг давлатдан қарзи йилдан йилга кўпайиб 600 минг сўмга етибди.

«Гулистон» жамоа ҳужалиги «Аланга» хусусий кичик корхонасининг трактор ва механизмларини етти йилга фойдаланишда қолдириш ва қайта қилинганлигини айтиди. Ҳужалиқ бош муҳандиси Отаназар Аҳмедов ва касабаяушма кўмитасининг раиси Оллаберган Абдуллаевлар яқинда иш бошлашганини, бу гапдан хабарлари йўқлигини айтиб елка қисиди. Ниҳоят, жумбоқ ечилди. Аслида хусусий кичик корхонага тегишли трактор ва механизм-

«Гулистон» жамоа ҳужалигида бўлганимизда бош ҳисобчи Комил Аҳмедов ҳақиқатдан ҳам «Аланга»чиларнинг трактор ва механизмларини етти йилга фойдаланишда қолдириш ва қайта қилинганлигини айтиди. Ҳужалиқ бош муҳандиси Отаназар Аҳмедов ва касабаяушма кўмитасининг раиси Оллаберган Абдуллаевлар яқинда иш бошлашганини, бу гапдан хабарлари йўқлигини айтиб елка қисиди. Ниҳоят, жумбоқ ечилди. Аслида хусусий кичик корхонага тегишли трактор ва механизм-

Эркин ЭРМАТОВ, «Ишонч» мухбири.

КУЧЛАРИ ТАДБИРКОРГА ЕТИБДИ...

Бугунги кунда Учқўрган туманида 198 та фермер ҳужаликлари фаолият кўрсатиб келмоқда. Уларга 2692 гектар ер майдони ажратиб берилган. Жорий йилда фермер ҳужаликлари 1740 тонна дон сотиб туманининг бу соҳада вилоятда биринчи бўлиб эришган галабасига салмоқли улуш қўшдилар. Мавжуд 11 минг гектар пахта майдонининг 1600 гектари фермерлар ихтиёрида бўлиб, улар мўл ҳосил етиштирдилар ва йигим-теримни биринчилар қаторида бошладилар.

қайта мурожаати ҳам бесамара кетди. Хафсаласи пир бўлган Хайитбой гишт заводи даромади ҳисобига эски трансформатор топиб, уни таъмирдан чиқарди. Ҳафтанинги ҳоким Ҳайитбой Матназаров туман ҳокимига мурожаат қилди. Ҳафтанинги ҳоким Ҳайитбой Матназаров туман ҳокимига мурожаат қилди. Ҳафтанинги ҳоким Ҳайитбой Матназаров туман ҳокимига мурожаат қилди.

га ишлов бериш маҳаллада техника етишмаслиги қатор овозгарчиликларни келтириб чиқараётганди. Шу боис туманда яна битта муқоабил равишда машина-трактор парк очилди. Бунинг учун Миллий банкнинг Учқўрган туман филиали 38 млн. сўм маблағ ажратди. Ана шу маблағ эвазига зарур миқдорда трактор, култиватор ва бошқа зарур эҳтиёт қисмлар сотиб олинди. Шу йўсинда тумандаги Қўғай қишлоғида масъулияти чекланган жамият тўзилди. Фермерларнинг техника сўраб зир югуришларига барҳам берилди. Улар хоҳлаган пайтда техникани ишлатиш имкониятига эга бўлдилар.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири.

ФЕРМЕРЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

Бугунги кунгача фермерларни битта муаммо қийнаб келарди ва бу масала бўйича кўп жойларга мурожаат қилишларига қарамасдан ҳал этилиши қийин кечаётганди. Гап шундаки, туманда 260 та чопиқ трактори бўлишлигига қарамасдан ғўза-

Давлат ер кадастри ҳақида нима биламиз?

Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йилдаги қарорига биноан республикамизда кўчмас мулк ва ер кадастри бошқармалари, шунингдек, уларнинг шахар, туман бўлимига тузилди. Ҳўш, бу бўлимларнинг асосий вазифалари нималардан иборат? Уларни ташвишлантираётган муаммолар ва бу масалаларнинг ечимини топиш учун қандай чора-тадбирлар кўришмоқда? Ана шу саволлар билан мухбиримиз Самарқанд вилояти кўчмас мулк ва ер кадастри бош бошқармаси бошлиғи Д.Жўрақуловга муурожаат қилди.

— Ўзбекистон Республикасининг «Ер кодекси», «Давлат ер кадастри» қонунларига асосан юридик ва жисмоний шахсларга тегишли кўчмас мулкларни рўйхатдан ўтказиш, баҳолаш, қайта баҳолаш, юридик ҳужжатлар асосида бино-иншоотлар ва ерга эгалик ҳуқуқи бўйича бириктириб қўйиш, ҳуқуқларни рўйхатга олиш, олдиротди, алмашув, тортиқ қилиш, мерос, ижара ҳамда гаровга қўйиш каби муносабатларни ҳал этиб, амалга оши-

лари ўзларига тегишли мулк ҳамда бино-иншоотларни давлат рўйхатидан ўтказишга шомилмаптилар. Ушбу рўйхатдан ўтиш учун зарур ҳужжатларни тайёрлайдиган кўпчилик маҳаллий ҳокимиятлардаги масъул шахсларнинг ўзлари ҳам «Ер кодекси», «Давлат ер кадастри» қонун-қоидалари билан яхши таниш эмаслар. Оқибатда зарур ҳужжатларни расмийлаштиришда ҳам жиддий хатоликларга йўл қўйилмоқда.

Яъни аксарият ер участкаларининг ва бино-иншоотларнинг ҳуқуқий ҳужжатларидан ер майдони ва ер участкасига бўлган ҳуқуқи, ер участкасидан фойдаланиш мақсадлари, мулк эгаларини тан олиш жараёнлари ҳам аниқ ёритилмапти.

Тахририятимизга келадиган кўпгаб хатларнинг муаллифлари меҳнатга ҳақ тўлаш, унинг кафолатлари ҳусусида батафсил тушунча беришимизни сўрашган. Бунини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг моддалари асосида батафсилроқ маълумот беришга ҳаракат қилдик.

153-модда. Меҳнат ҳақи миқдорини белгилаш
Меҳнат ҳақининг миқдори иш берувчи билан ходим ўртасидаги келишувга биноан белгиланади. Меҳнат ҳақи қонун ҳужжатлари билан белгиланган энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас ва унинг энг кўп миқдори бирон-бир таразда чекланмайди.

Меҳнат ҳақи шакли ва тизимлари, мукофотлар, қўшимча тўловлар, устамалар, рағбатлантириш тарзидаги тўловлар жамоа шартномаларида, шунингдек, иш берувчи томонидан касабга уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб қабул қилинадиган бошқа локал ҳужжатларда белгиланади.

Бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланган муассасалар ва ташкилотларнинг, шунингдек, давлат қорхоналарининг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш шартларининг энг кам даражаси қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Табиий-иқлим ва турмуш шароитлари ноқулай бўлган жойларда меҳнат ҳақига район коэффициентлари ва устамалар белгиланади.

Район коэффициентлари ва устамалар жорий қилинадиган жойларнинг рўйхати, шунингдек, уларни қўллаиш тартиби ва миқдори Ўзбекистон Республикаси Хукумати томонидан белгиланади.

154-модда. Меҳнатга ҳақ тўлаш кафолатлари

Иш берувчи ўзининг молиявий ҳолатидан қатъи назар, ходимга бажарган иши учун ҳақни белгиланган меҳнат ҳақи шартларига мувофиқ ушбу Кодекснинг 161-моддасида кўрсатилган муддатларда тўлаши шарт.

Меҳнат шартномасининг тарафлари келишувга билан белгиланган меҳнат ҳақи миқдори жамоа шартномаси ёки келишувда ўрнатилган миқдордан кам бўлиши мумкин эмас.

155-модда. Меҳнат ҳақининг энг кам миқдори

Муайян давр учун белгиланган меҳнат нормасини ва меҳнат вазифаларини тўлиқ бажарган ходимнинг ойлик меҳнат ҳақи қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилган энг кам меҳнат ҳақи миқдоридан оз бўлиши мумкин эмас.

Меҳнат ҳақининг энг кам миқдорида қўшимча тўловлар, устамалар, рағбатлантириш тарзидаги тўловлар, нормал иш вақтидан четга чиққан ҳолда бажарилган ишлар учун оширилган миқдорда тўланадиган ҳақлар (157, 158-моддалар), шунингдек, район коэффициентлари (153-модданинг тўртинчи қисми) қўшилмайди.

156-модда. Меҳнат ҳақи шартларини ўзгартириш

Меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари қайси тартибда ўрнатилган бўлса, уша тартибда ўзгартирилади (153-модда).

Меҳнат ҳақ тўлашнинг яқка шартларини ҳодим учун ноқулай томонга ўзгартиришга унинг розилигисиз йўл қўйилмайди. Истисно тарикасида бундай ўзгаришга:

технологияда, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишда ўзгаришлар юз берган тақдирда, ба- шарти меҳнатга ҳақ тўлашнинг аввалги шартларини сақлаб қолтиш мумкин бўлмаса;

қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда йўл қўйилиши мумкин.

Бўлажак ўзгартириш ҳақида ходим камида икки ой олдин огоҳлантирилиши лозим.

157-модда. Иш вақтидан ташқари ишлар ҳамда дам олиш кунлари ва байрам кунларидаги ишлар учун ҳақ тўлаш

Иш вақтидан ташқари ишлар, дам олиш кунлари ва байрам кунларидаги ишлар учун камида икки ҳисса миқдорда ҳақ тўланади. Тўланадиган ҳақнинг аниқ миқдори жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, — иш берувчи томонидан касабга уюш-

маси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб белгиланади.

Байрам ёки дам олиш кунларида иш ходимнинг хоҳишига қараб бошқа дам олиш кунини (отгул) бериш билан қопланиши мумкин. Ходимнинг итти- моссига биноан иш вақтидан ташқари иш учун белгиланган иш вақтидан ташқари бажарилган иш со- атларига тенг келадиган миқдорда отгул берили- ши ҳам мумкин. Байрам ёки дам олиш кунларида иш ёхуд иш вақтидан ташқари бажарилган иш учун бошқа дам олиш кунини берилган тақдирда, бундай ишлар учун камида бир ҳисса миқдорда меҳнат ҳақи тўланади.

МЕХНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ



158-модда. Тунги вақтдаги иш учун ҳақ тўлаш

Тунги вақтдаги (122-модданинг биринчи қисми) ишнинг ҳар бири соати учун камида бир ярим ба- рабар миқдорда ҳақ тўланади.

Тунги вақтдаги иш учун оширилган миқдорда тўланган ҳақ тариф ставкаларига (мансаб маош- ларига) қўшилмайди.

Тўланадиган ҳақнинг аниқ миқдори жамоа шарт- номасида, агар у тузилмаган бўлса, — иш берувчи томонидан касабга уюшмаси қўмитаси ёки ходим- ларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб белгиланади.

Жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, касабга уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бо- шақа вакиллик органи билан келишиб, кечки сме- надаги иш учун оширилган миқдорда ҳақ тўлаш назарда тутилмиши мумкин. Бевосита тунги сме- надан олдингиси кечки смена деб ҳисобланади.

159-модда. Яроқсиз маҳсулот тайёрланган- да ва бекор туриб қолган вақт учун ҳақ тўлаш

Ходимнинг айбисиз яроқсиз маҳсулот тайёр- ланганда ва бекор туриб қолган вақтда унинг ўртача иш ҳақи сақланади.

Ходимнинг айби билан тайёрланган қисман яроқсиз маҳсулот учун камайтирилган ишбай ба- ҳолар бўйича ҳақ тўланади, бундай баҳолар жамоа шартномасида белгилаб қўйилади, агар у тузил- маган бўлса, иш берувчи томонидан касабга уюш- маси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб белгиланади.

Ходимнинг айби билан тайёрланган тўлиқ яроқ- сиз маҳсулот ва бекор туриб қолган вақт учун ҳақ тўланмайди.

160-модда. Бир неча касбда (лавозимда) ва ўриндошлик асосида ишлаганлик учун меҳнатга ҳақ тўлаш

Бир неча касбда (лавозимда) ишлаганлик, хиз- мат кўрсатиш доираси кенгайганиги, бажарила- диган ишлар ҳажми ортганиги, ўзининг асосий иши билан бир қаторда ишда вақтинча бўлган ходимларнинг вазифаларини бажарганлик учун, шунингдек, ўриндошлик асосида иш бажарилган- да (ходим ўзининг асосий ишини бажаришидан ташқари асосий ишидан бўш вақтда меҳнат шарт- номаси асосида бошқа ҳақ тўланадиган ишни ба-

жарганда), ходимларнинг меҳнат ҳақи миқдори меҳ- нат шартномасининг тарафлари ўртасидаги кели- шувга биноан амалда бажарилган иш юзасидан белгиланади.

161-модда. Меҳнатга ҳақ тўлаш муддатла- ри

Меҳнатга ҳақ тўлаш муддатлари жамоа шарт- номаси ёки бошқа локал норматив ҳужжатда бел- гиланади ва ҳар ярим ойда бир мартадан кам бўлиши мумкин эмас. Ходимларнинг айрим тои- фалари учун алоҳида ҳолларда Ўзбекистон Рес- публикаси Хукумати томонидан иш ҳақи тўлаш- нинг бошқа муддатлари белгилаб қўйилиши мум- кин.

Ҳақ тўланадиган кун дам олиш кунини ёки бай- рам кунини ҳисобга олиб қолса, меҳнат ҳақи шу кун арасида тўланади.

Меҳнат шартномаси бекор қилинганда ходим- га тегишли барча суммаларни тўлаш ушбу Ко- дексининг 110-моддасига мувофиқ равишда амалга оширилади.

Жамоа шартномасида иш берувчининг айби бил- ан ҳодимга ҳақ тўлаш белгиланган муддатларга нисбатан кечикканиги учун жавобгарлик назарда тутилмиши мумкин.

162-модда. Ходим вафот этган кунга қадар олинмаган иш ҳақини бериш

Ходим вафот этган кунга қадар олинмаган иш ҳақи унинг оила аъзоларига, шунингдек, меҳнатга қобилиятсизлиги тўғрисида вафот этган шахнинг қарамонига бўлган шахсларга берилади.

163-модда. Иш ҳақини тўлаш жойи

Ходимларга иш ҳақи, одатда, улар ишлаётган жойда тўланади.

164-модда. Меҳнат ҳақидан ушлаб қолиш

Умумий қоидага қўра, ходимнинг ёзма розили- ги билан, бундай розилик бўлмаган тақдирда эса, — суднинг қарорига асосан меҳнат ҳақидан ушлаб қолиниши мумкин.

Қуйидаги ҳолларда ходимнинг розилигидан қатъи назар, меҳнат ҳақидан ушлаб қолинади:

1) Ўзбекистон Республикасида белгиланган со- лиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш учун;

2) суднинг қарорлари ва бошқа икром ҳужжатла- рини ижро этиш учун;

3) иш ҳақи ҳисобига берилган авансни ушлаб қолиш учун, ҳўжалик эҳтиёжларига, хизмат сафар- ларига ёки бошқа жойдаги ишга ўтганлиги муно- сабаб билан берилган бўлиб, сарф қилинмай қол- ган ва ўз вақтида қайтарилмаган авансни ушлаб қолиш учун ҳамда ҳисоб-китобдаги хатолар нати- жасида ортинча тўланган суммани қайтариб олиш учун. Бундай ҳолларда иш берувчи авансни қайта- риш ёки қарзни тўлаш учун белгиланган муддат тамом бўлган кундан ёхуд ҳақ тўлаш нотўғри ҳисоб- лаб чиқарилган кундан бошлаб бир ойдан кечик- тирмасдан аванс ёки қарзни ушлаб қолиш ҳақида фармойиш беришга ҳақлидир. Агар бу муддат ўтиб кетган бўлса ёки ходим ҳўжалик эҳтиёжларига, хиз- мат сафарларига ёхуд бошқа жойдаги ишга ўтган- лиги муносабати билан берилган авансининг уш- лаб қолинишини асосида ёки миқдорини нотўғри деб ҳисобласа, у ҳолда қарз суд тартибда унди- рилади;

4) ҳисобидан ходим таътил олиб бўлган иш йили тугамасдан туриб меҳнат шартномаси бекор қилин- ганда, — таътилни ишланмаган даврга тегишли кунлари учун. Ана шу кунлар учун ҳақ меҳнат шарт- номаси ушбу Кодекс 89-моддасининг тўртинчи қисмида, 100-моддаси иккинчи қисмининг 1 ва 2- бандларида, 106-моддасининг 1 ва 2-бандларида кўрсатилган асосларга қўра, шунингдек, ўқига кирганлиги ёки пенсияга чиққанлиги муносабати билан бекор қилинганда ушлаб қолинмайди;

5) ходим томонидан иш берувчига етказилган зарарни қоплаш учун, агар етказилган зарарнинг миқдори ходимнинг ўртача ойлик иш ҳақидан ор- тик бўлмаса;

6) ушбу Кодекснинг 181-моддаси биринчи қис- мининг 2-бандида назарда тутилган жаримани ун- диртиш учун.

Иш ҳақини ҳар гал тўлаш вақтида ушлаб қоли- надиган ҳақнинг умумий миқдори ходимга тегиш- ли бўлган меҳнат ҳақининг эълиқ фозиздан ортиб кетмаслиги лозим.

ОРТИҚЧА ЕРЛАР АНИҚЛАНДИ шунинг ҳисобидан маҳаллий бюджетга қўшимча маблағ тушмоқда

ришда кадастр ҳужжат- ларини тайёрлаш, уларнинг тўғри ва ҳақиқийлигини текши- риш, давлат реестрига киритиш, ер участкала- рини суратга олиш ҳамда аҳоли яшаш жой- ларини иқтисодий зо- наларга тақсимлаш каби масъулиятли иш- лар бизнинг асосий ва- зифаларимиздир.

Юқорида санаб ўтил- ган йўналишларга те- гишли барча маълумот- ларни йиғиб-жамлаб компьютер системасига киритиш орқали вило- ятда ягона давлат ка- дастри — геоаборот тизимини яратиш ва юритиш фаолиятимиз- нинг бош йўналиши ҳисобланади.

Ҳозиргача 4346 та юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган объектларни рўйхатдан ўтказдик. Текширишлар натижа- сида 84 гектардан зиёд ортинча ерлар аниқлан- ди. Шу ҳисобдан ма- ҳаллий бюджетга ер со- лиғидан ҳар йили қўшимча 16,5 миллион сўмдан зиёд маблағ туша бошлади. Жорий йилнинг биринчи ярми- да 26 миллион 914 минг сўмлик ишлар ба- жарилди, 891,5 гектар ернинг сурати олинди, 2, 28 гектар ортинча ер мавжудлиги аниқланди ва 51 та ипотeka шарт- номаси тузилди.

Ортинча ерлар хусу- сида гапирганда улар- дан фуқаролар қонунга хилоф равишда фойда- ланаётганлигининг ҳам гувоҳи бўлдик.

Агар аниқланган ор- тинча ва ўзбошимчилик билан эгалланган бар- ча ерлар турли тижорат қорхоналари учун ва жисмоний шахсларга меъморчилик қонун

ни уй-жойларга белги- ланган тарифда амалга оширишмоқдалар. Бу эса қонунга хилоф равишда эканлигини улар билса- лар ҳам ўзларини бил- масликка олмақдалар. Аниқланган фактлар ҳақида маҳаллий ҳоким- лиklar ҳамда солиқ ин- спекцияларига ҳат орқали муурожаат қилдик.

Яна бир мисол — тадбиркорлик билан шу- гулланадиган фуқаро- ларнинг бир қисми ҳамда савдо расталари ва ошхона-кафе-лар эга- ларининг кўпчилиги ту- рар-жойлар ва бошқа фойдаланилаётган бино- ларнинг олдидки чегар- ланган ерларга, яъни кўкчаларнинг яқинида мўлжалланган жойларга стол-стуллар ўрнатиб, кичик расталар қуриб, мавсумий ошхона ёки қаҳвахона сифатида фойдаланмоқдалар. Ва- ҳоланки, бу ерлар ша- ҳарнинг ободонлашти- риш минтақаси ҳисобла- нади ва солиқ олинмай- ди. Тадбиркорлик ва ша- хсий манфаатлар учун фойдаланиш эса қонун- га зид ҳаракат бўлиб, шунингдек, бу ишлар меъморчилик ва шаҳар- созлик қоида-талаблари- га ҳам хилофдир. Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, бундай жойларни тад- биркорлари иш юритиши учун мўлжалланган экан, бўлимларимизга мақсад- ларини баён этиб мууро- жаат этишса, қўзланган жойлар атрофлика ўр- ганиб чиқилиб ҳамма то- монни ҳисобга олган ҳолда инвентаризация қилиб, ижарачиларга вақтинча бириктириб бе- рилиши мумкин.

Яна бир муаммо — бошқармаимиз ходимлари қанчалик жон қўйдириб ишламасинлар, лекин юридик ва жисмоний шахсларнинг баъзи бир- Кўпчилик бинолар фой- даланиш учун қабул қилинмаган. Биз эса қонунда қўзда тутилган ҳужжатлар тўлиқ бўлмагунча мулкларни рўйхатдан ўткази олма- ймиз. Шу сабабдан юридик ва жисмоний шахслар ҳафтадаб, баъзан ойналаб қиммат- ли вақтларини йўқо- тишмоқда.

Яна бир масалага алоҳида тўхталмоқчи- ман. Рўйхатдан ўтиб, эгалик гувоҳномаси олинган мулк, бино ва иншоотлардан тўлиқ фойдаланилмаётган ҳоллар ҳам учрайди. Улар қонуний ҳисоб- ланса-да, лекин фой- даланилмай бўш тур- ганлари ҳам бор. Ма- салан, айтайлик, бола- лар боғчаси 240 ўрин- га мўлжалланган, ҳақиқатда эса 150 бола тарбияланипти. Демак бўш хоналар бор. Улардан қандай қилиб самарали фойдаланиш керак? Албатта, боғча- нинг ярмини ресторан ёки бозорга ижарага бериш нотўғри. Биз- нингча, болалар поли- клиникаси ёки шунга ўхшаш бирон-бир бо- лалар муассасасига фойдаланишга бериш мумкин. Техника билим юртларида эса бўш биноларни уй-рўзғор бую- млари ёки автомаши- наларни таъмирловчи- лар ижарага олишлари мумкин. Биз бундай имконияти бор мулк- дорларга ана шундай фойдадан холи бўлма- ган шароитларни та- всия қилаймиз. Бу ҳақда маҳаллий ҳокимиятлар- нинг тегишли кўрсат- малари зарур.

Сухбатдош: М. ХАЙИТОВА.

кўп ишга қодир

Ёки ишчи-хизматчилар- нинг биринчи синфга ўқишга бораётган фар- зандалари қорхона ҳисоби- дан тўлиқ ўқув қуроллари билан бепул таъминлан- ган. Тасарруфдаги икки- та болалар боғчасида тарбия топаётган кичкин- тойларга ҳам қорхона

публикаимизнинг турли оиди ўқув юртларида тах- сил олишарти. Улар ҳар ойда махсус стипендия- лар билан таъминланган. «Оҳангароншфер» очик турдаги хиссадорлик жамияти маъмурияти ва касабга уюшмасининг иш- чиларни ижтимоий муҳо-

бар иш юритиши, жамоа билан ҳамкорлик қилиш- ни касабга уюшмасидан ўрганиши керак, — дейди хиссадорлик жамияти бо- шаруви раиси Тўлаган Ойнақулов. — Бунинг учун маъзур ташкилотнинг мавқеи янада мустаҳкам- ланмоғи, мутахассислар

Алоҳида хоналар, хиз- мат машинаси ва ҳатто уяли телефонлар ҳам ажратилган.

Дарҳақиқат, уюшма аъзолари, ишчиларнинг кайфияти аъло. Ким бил- ан сўхбатлашманг ўз ишидан манмунилик из- ҳор этади. Муҳими, ба- жараётган ишининг са- марасини яхши билади. Қорхонада мулкка муно- сабат, эгаллик ҳисси кенг шакланган. Айни пайт- да мавжуд 10 та цехда касабга уюшмаси ташки- лоти ва 1 та гуруҳ фао- лият кўрсатмоқда. Ҳар бири ўзига хос мақсад- ли дастурларга эга, яъни ишлаб чиқаришни ривожлантириш, қорхо- на шашини қайта тик- лаб, одамлар манфаати- ни ҳимоя этиш каби улугвор ниятларни ўзи- да мужассамлаштирган.

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ, «Ишонч» мухбири.

КАСАБА УЮШМА ТИКЛАДИ

маъмурияти ва касабга уюшмаси раҳнамо. Энг муҳими, кадрларни тан- лаш, ёшларни ўқитиш ва уларни иш билан таъмин- лашга алоҳида эътибор қаратилган. Айтайлик, ҳар ойда шу ернинг ўзида со- ҳасига қараб мутахассис- лар малака оширади, би- лимларини бойлатади. Шунингдек, айни пайтда «Оҳангароншфер» хисса- дорлик жамияти ҳисоби- дан 20 нафар ёшлар рес-

уномдорлик бўлади, деган гап бежиз айтилмаган. Ҳозир қорхонада меҳнат қилаётган ишчиларнинг ойлик-маошлари ўртача 15 минг сўмдан, олди эса 20-22 минг сўмдан ибор- рат. Тажмакорлик бораси- да ҳам ўсиш катта. Бу эса таннархни янада арзон- лаштириб, рентабеллик- нинг ўсишига, режаларни ортинги билан бажаришга омил бўлмоқда. — Аслида ҳар бир раҳ-

олдида ҳар қандай маса- ла кўндаланг қўйиб, уни амалга оширишда, иш жараёнига татбиқ этишга эришиш йўлида уларга изн бериш ва ҳамкорлик қилиш лозим, деб ўйлай- ман. Ҳар қандай янгилик касабга уюшмасининг кен- гашини билан амалиётга жорий этилади. Уюшмага Ўзбекистон касабга уюш- малари Федерацияси иш- лаб чиққан қонун доира- сида ҳуқуқлар берилган.

АССАЛОМ, МАКТАБ!

Биринчи кўнгирак ча- линди ҳамда юз минглаб ўғил ва қизларимиз ол- дида билимлар олами- нинг эшиги яна очилди. Республикаимизнинг бар- ча мактабларида янги ўқув йили аънамага қўра Мустақиллик дарси би- лан бошланади.

Бунинг чўқур рамзий маъноси бор. Зеро, янги ҳаёт бунёдқори булган ёш авлод мустақил Ва- танимиз тарихининг му- раққаб даврларини яқши билиши лозим. 9 йил ав- вал халқимиз танлаган озодлик ва демократия йўли мактаб бўсағасига илк бор қадам қўйган бу- гунги ёш авлод учун кел- ажак сари етакловчи ёрқин йўл бўлиб қолади.

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 17-сон мактаб-гимнази- ясининг биринчи синф ўқувчилари ҳам Муста- қиллик дарсини давлати- ми раъзлари — Байро- гимиз ва Маҳдўнимиз таъ- рифини тингладан бошлади. Шунингдек, бошланғич синф ўқув- чиси Раъно Раҳматулла- ова болаларни мамлака- тимизнинг кейинги йил- ларда эришган ютуқла- ри билан таништириб, жорий йил Президентим- зис томонидан Соғлом авлод йили деб эълон қилингани ҳақида сўзлаб берди. Болалар респу- блика раҳбарияти улар- нинг соғлом ўсиши, ҳар томонлама билимли, Ватанпарвар ва халқпар- вар инсонлар бўлиб во- яга етишлари учун амал- га ошираётган улкан иш- лар тўғрисида маълум- отга эга бўлишди.

Ташкилотчи ва бошқа ишлари намунали йўлга қўйил- ган. Сўз усталари дам олиш соатларида меҳ- натчиларни республика- миз ва дунё воқеалари билан мунтазам равиш- да таништириб бормоқ- далар.

Суратда: ҳўжалик раҳбари, моҳир ташки- лотчи Ф.Соппов дала меҳнатчиларини мат- бутот янгиликларидан бохабар этмоқда. И.ҲАСАНОВ олган сурат.

КАЙФИЯТ ҚАЛАЙ, МИРИШКОРЛАР?

Хоразм вилояти агросаноат мажмуи ходим- лари касабга уюшмаси қўмитаси ташаббуси бил- ан Богот туманидаги «Богот» ширкат ҳўжали- гига амалий ўқув семинари бўлиб ўтди. Семи- нарда туман касабга уюшма қўмиталари раис- лари, ширкат ва жамоа ҳўжалиги раҳбарлари, фермерлар иштирок этдилар.

Тадбирда «Богот» ширкат ҳўжалиги бошқару- ви раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони М.Қувочов сўзга чиқиб, ҳўжалик аъзолари унумли меҳнат қилиши, кўнгилли дам олиб даволанишлари учун яратилган шароит ва имтиёзлар ҳақида гапир- дилар.

Шундан кейин семинар қатнашчилари боғдор- чилик билан шуғулланувчи «Гўнча» ҳамда чор- вачиликка ихтисослашган «Тўпчи» фермер ҳўжа- ликларига бориб, тажриба алмашдилар. Улар ширкат ҳўжалигидидаги шоли, кунжут, макка экин- ларини тақририй экин сифатида бўғдидан бўшаган ерларга экиб, бир йилда икки ҳосил олиш тажрибасини ўргандилар. Айниқса, шоли- ни кўчат қилиб ўтказиш усули билан кўпчилик қизиқди.

ОҚ ЙЎЛ, ОЛИМПИАДАЧИЛАР!

Танишинг: Австралиянинг Сидней шаҳрида бўлиб ўтадиган XXVII Олимпиада ўйинларида иштирок этадиган касабга уюшмалари спортчилари.

- Енгил атлетика бўйича:**
 Квятковская Елена — халқаро классдаги спорт устаси
 Дроздова Елена — спорт устаси
 Кремлева Екатерина — спорт устаси
 Амброва Замира — спорт устаси
 Устинов Виктор — спорт устаси
 Кабанова Софья — спорт устаси
 Шарипов Шавкат — халқаро классдаги спорт устаси
 Журавлев Константин — спорт устаси
- Юнон-Рим кураши бўйича:**
 Курбонов Баходир — халқаро классдаги спорт устаси
 Орипов Дилшод — халқаро классдаги спорт устаси
 Ерафайлов Евгений — халқаро классдаги спорт устаси
 Битяков Руслан — халқаро классдаги спорт устаси
 Витт Юрий — халқаро классдаги спорт устаси
- Сузиш бўйича:**
 Начаев Равил — халқаро классдаги спорт устаси
 Пухнатий Олег — халқаро классдаги спорт устаси
 Цветковский Олег — халқаро классдаги спорт устаси
 Цуцкарев Дмитрий — халқаро классдаги спорт устаси
 Агафонов Александр — халқаро классдаги спорт устаси
 Искадарова Саида — халқаро классдаги спорт устаси
 Васильев Петр — спорт устаси
- Войсехович Сергей — спорт усталигига номзод**
- Эштак эшиш спорт тури бўйича:**
 Ряхов Антон — халқаро классдаги спорт устаси
- Киличбозлик бўйича:**
 Петрова Аниса — спорт устаси
- Спорт гимнастикаси бўйича:**
 Чусовитина Оксана — спорт устаси
- Теннис бўйича:**
 Тўлаганова Ирода — халқаро классдаги спорт устаси



Йўлга кузатиш ҳамisha ҳаяжонли кечади. Дил тубида қанот ёзмоққа шайланган сўзларнинг ҳадеган-да тилга чиқаётмаслиги ҳам аслида шундан. Айниқса олис сафар олдида бу табиий ҳол.

Кеча Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерациясида юқорида номлари зикр этилган спортчиларни Сиднейга кузатиш маросими бўлиб ўтди. Ҳар қандай расмиятчиликдан холи, гоёт самимий кечган кузатиш маросими барчада чуқур таассурот қолдирди. Маросимда, хусусан, Австралияга йўланма олган 77 олимпиаданинг 25 нафари касабга уюшма тизими-га қарашли спорт жамиятлари вакиллари эканлигига эътибор қаратилди. Еттига турда мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилишга чоғланган спортчиларнинг ҳар бири олимпиада медалини кўлга киритиш учун астойдил курашади ва бу билан озода Ватанимизнинг шуҳратини янада юксалтиришга муносиб ҳисса қўшади, деб ишонч билдирилди.

Бу ишонч замирида чуқур маъно ётибди. Истиқболга эришганимизга эндигина тўққиз йил бўлган бўлса-да, Ўзбекистон байроғи не-не нуфузли турнир

ва мусобақаларда юқори кўтарилмади дейсиз. Куни кеча ҳеч ким унча билмайдиган мамлакат вакиллари бугун эришадиган ютуқларни санаб адоғига етиб бўлмади қолди. Ўзбек кураши халқаро миқёсда эътироф этилди, ўзбек боксчиларининг довури дунёни тутди. Олимпиада олдида ўтказилган суроғга қараганда улар АҚШ ва Куба «чарм кўлқоп» усталаридан кейин учинчи ўринга қўйилган. Бошқа спорт турларидаги муваффақиятлар ҳақида ҳам шундай илк фикрларни айтиш мумкин.

Қабулда ҳозир бўлган спортчилар номидан сўзга чиққан Ирода Тўлаганова, Дилшод Орипов ва Баходир Курбонов мамлакат шарафини юксакларга кўтариш ҳар бир олимпиадачи учун энг аввало фуқаролик бурчи эканлигини тўққиз йил бу йилда билдирилди.

Сиднейга йўланма олган касабга уюшмалари спортчиларига эсталик совғалари топширилди.

З.РИХСИЕВ.

Суратда: қабул пайти.

ФАРҒОНА ПОЛВОНЛАРНИ ЧОРЛАДИ

3-5 сентябр кунлари Фарғона шаҳридаги Марказий ўйингоҳида Бурҳониддин ал-Марғинийнинг таваллудининг 910 йиллигига бағишланган ўзбек курашининг иккинчи тури «Белбоғли кураш» бўйича халқаро турнир ўтказилмоқда. Фарғона вилояти ҳокимлиги, Республика Давлат спорт қўмитаси, Халқаро Кураш Ассоциацияси ва Республика Кураш миллий федерацияси ташаббуси билан ташкил этилган мазкур мусобақада маҳаллий полвонларимиз билан бир қаторда 10 га яқин мамлакатларнинг машҳур полвонлари 73, 90, 100 килограмм ҳамда юздан юқори вазнда голиблик учун райдонга чиқади.

— Юртимизда истиқлол шамоли эса бошлаган кезларданок, курашимизнинг ушбу тури бўйича ҳам халқаро мусобақалар ўтказиш кенг анъана тусини олаётди. Уларнинг сираси сифатида 1996 йилда Андижонда Заҳириддин Муҳаммад Бобур хотира турнири ҳамда ўтган йили пойтахтимизнинг «Жар» спорт мажмуида расмий биринчи халқаро беллашувларни санаб ўтиш мумкин, — деди Халқаро Кураш Ассоциацияси матбуот котибаси Зулхумор Рўзиева «Туркистон-пресс» мухбирига. — Бобоклонимиз Бурҳониддин ал-Марғинийнинг 910 йиллик таваллуд тўйига бағишланган бу галги халқаро турнир 6 сентябр — Халқаро Кураш Ассоциациясининг 2 ёшга тўлиши айёми арафасида ўтказилаётганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

18 ёшдан катталар ўртасида кечаётган бахслар белбоғли курашининг халқаро қоидаларига мувофиқ ўтказилиб, унда голиб бўлган полвонларга 1000 АҚШ доллари пул мукофоти, олтин медал ва биринчи даражали диплом билан тақдирландилар. Совринли ўрин эгаларига ҳам ташкилотчилар томонидан махсус қимматбаҳо совғалар тақдим этилади.

2000 йил — Соғлом авлод йили

Соғлом оилани шакллантириш, айниқса, ёш оилалар орасида соғлом муҳитни яратиш давр талабидир. Шундан қилиб келиб, «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармасининг вилоят бўлими узоқ қишлоқларда истиқомат қилувчи аёллар орасида кенг тушунтириш ишлари олиб бормоқда.

ОЛИС ҚИШЛОҚЛАРДА

тушунтириш ишлари

Маълумки, соғлом оиланинг вужудга келишида ҳар икки томоннинг саломатлиги катта рол ўйнайди. Шу боис жамғармаимиз ходимлари аввало қариндош-уруғчилик заминидан рўй берадиган никоҳларнинг олдини олиш, бундай никоҳларнинг фарзанд туғилишида муайян камчилик ва нуқсонларни келтириб чиқариши мумкинлиги тўғрисида аҳоли ўртасида тарғибот ишларини ўтказмоқдалар. Вилоятнинг Зомин, Зарбдор, Янгиобод, Дўстлик, Бахмал туманларида малакали шифокорлар, психологлар иштирокида қирққа яқин мулоқотлар, суҳбатлар уюштирилиб, маслаҳатлар берилди. Туғиш ёшидаги аёллар, ҳамда ўсимирлар ва болаларнинг диспансер кўригидан ўтказилишини алоҳида жадал асосида виллоятнинг барча қишлоқларидаги тиббий-ижтимоий бригада ёрдамида амалга оширилди. Ушбу бригада Соғлом авлод йилининг ўтган даврида виллоятнинг кўплаб туманларида бўлиб, уч ярим мингга яқин оила, саккиз ярим минг нафардан кўпроқ аёл, беш юз нафардан кўпроқ болалар, минг нафарга яқин ўсимирга замонавий диагностика аппаратлари ёрдамида гинеколог, терапевт, педиатр шифокорлар томонидан малакали тиббий хизмат кўрсатилишини таъминладилар.

Бозор иқтисодиёти шароитида дори-дармонларнинг нархи анча юқори бўлиб, тўғрисики айтганда, кўпчиликнинг молиявий имконияти уларни сотиб олишга ётарли эмас. Буни ҳисобга олган жамғарма иқтисодий ночор оилалар, шунингдек, боқувчисини йўқотганлар, номий хижатдан бақувват бўлган одамни тарбиялаш унчалик қийин иш эмас. Аммо уни ҳам жисмоний, ҳам маънавий хижатдан камол топтириш гоёт мураккаб вазифа.

Буни назарда тутган ходимларимиз виллоятимиздаги кўзга кўринган олимлар, ёзувчилар, психологлар билан ҳамкорликда ёшларимизнинг маънавий-маърифий қарашларини шакллантиришга ҳаракат қилмоқдалар. Шу мақсадда турли суҳбатлар, кўрик-танловлар уюштириб, ушбу тадбирларни молиявий хижатдан таъминламоқдалар. Масалан: виллоят болалар ижодиёти маркази билан ҳамкорликда «Дунё болалар нигоҳида», кўрик-танлови, виллоят халқ ижодиёти маркази билан «Соғлом авлод» кўшиқ танлови, иқтидорли болалар ўртасида «Камалат жилоси» суратлар кўргазмасини ўтказиб, болаларга юз минг сўмлик совға-саломлар топширдилар.

«Соғлом авлод» йилларида туғилган 11 та кам таъминланган оилалар фарзандларига салкам 200 минг сўмлик, Зомин, Бахмал, Пахтакор туманларининг бўлими эса уч юз минг сўмлик муруват ёрдамини кўрсатдилар.

Республика «Соғлом авлод учун» жамғармаси томонидан бўлимиимизга «Амбуланс - Мерседес» русумли машинанинг ажратилиши тиббий-ижтимоий бригадасини виллоятимизнинг турли бурчларида алоҳида хизмат кўрсатишида қулайлик ва энгиллик туғдирганини алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим. Бундай меҳрибончилик ўз самарасини бермоқда. Одамлар бўлимиимиз вакиллари оризқиб кутадиغان бўлиб қолиши.

НОДИРА КАРИМОВА, Республика «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси Жиззах вилоят бўлими раҳбари.

«БИБИЗАЙНАБ»ДА УЧ ЎҒИЛ ТУҒИЛДИ

Мустақиллик байрами Сурхон воҳасининг Олтинсой туманидаги «Бибизайнаб» маҳалласи аҳли учун қўша-лоқ тантана бўлди. Маҳалла фуқароси Зокир Абдуллаев хонадонидан уч нафар эгизак ўғил-лар дунёга келди.

Хушхабардан боши кўкка етган хонадон соҳибу соҳибалари элга ош беришди. — Эгизаклар ондан соғлом туғилди, — дейди туман Марказий шифохонаси бош вақили Асадулла Аҳмедов. — Она ва болаларнинг соғлигини Кундуз Бутаёрова, Хайитали Менгортиков, Саида Мамаражабова, Лола Кулқиева, Ойша Шоимова каби тажрибали шифокорларимиз на-

зорат қилиб туришибди. Дарвоқе, эгизакларнинг отаси Зокир Абдуллаев марказий шифохонамизнинг жарроҳлик бўлимида жарроҳ бўлиб ишлайди.

— Биринчи фарзандим ҳам ўғил эди. Унинг бир йўла уч нафар ўғил укалари туғилди, — дейди қувончини яшира олмаган она Матлуба Абдуллаева. — Бундан бошим осмонга етди. Насиб этса, ўғилларимни юртга, Президентга муносиб хизмат қиладиган пахлавонлар қилиб тарбиялайман.

Д. РУСТАМОВ.



Тож талабгорлари

Уни таниб олиш жуда осон. Чунки у шахматни фақат ўзига хос бўлган услубда ўйнайди. Ахир, яна ким биринчи юриш устида йигирма минутга ўйлай олади? Яна кимларнинг партиясида Деявиль Бронштейннидек бисёр оригинал гоғлар, бетакрор комбинацияларни учратиш мумкин?

Урта буй, серҳаракат, очик чеҳра бу киши китоблари аjoyиб партиаларидан кам шуҳрат қозонмаган адиб, журналист сифатида ҳам машҳурдир.

1953 йил. Цюрих. Ун беш нафар гроссмейстер ўртасидаги тож талабгорлари турнири. Жаҳон биринчилиги учун бундай кучли саралаш мусобақаси ҳали бўлмаган эди. Шунинг учунми, бу сафар Бронштейн уч йил олдинги турнирда кўрсатган натижасини бу сафар такрорлай олмади. Маррага Смирловдан кейин иккинчи бўлиб етиб келди. Лекин, худди шу Цюрих турнири ҳақида китоб ёзди. Чунки у энди китобхон кўз ўнгида галаба ва мағлубиятлар механизминини очиб кўрсатиб, партияни барпо этишда катнашган томонлар ҳамкорлигининг бор мураккаблигини изоҳлаб бера олишини тушуниб етган эди. Биз шахмат донишмандининг ушбу «Халқаро гроссмейстерлар турнири» китоби ҳақида бежиз сўзламаймиз. Чунки унда атоқли гроссмейстернинг дунёқараши тўлароқ акс этган. Унинг асосий фалсафий гоғаси эса шахматни санъат деб билишидир; бинобарин тақлид ҳар қандай санъат каби шахматга ҳам зиддир.

Мамажон МУХИТДИНОВ. Тўғри, тож талабгори ниятига етadигандек эди. Яқунга икки партия қолганда у бир очко олдинда эди. Иккита дуранг ва... тож унга ўтарди. Лекин...

Жаҳон биринчилиги матчидаги муваффақиятсизлик шахматчининг кейинги фаолиятига салбий таъсир кўрсатган холлар маълум. Лекин Бронштейн бундай ҳол юз бермади. Чунки унинг учун энг муҳими ҳамма вақт ижод бўлган.

«Албатта, ҳар бир шахматчи каби мен ҳам галабага интиламан, — деб ёзди Бронштейн. — Мантқиқ, фантазия, билим, узоқни кўра биллиш жиҳатидан рақибдан ўтиб кетиш насиб этганда галаба менга қувонч бағишлайди».

Ха, бундай маслак фақат улкан шахмат санъаткоридагина бўлиши мумкин.

Мароқли машқлар. Иккала тасвирда ҳам оқлар ўйинни бошлаб 4 юришда мот қилади.

Агросаноат мажмуи ходимлари касабга уюшмаси Тошкент шаҳар қўмитаси «Равшан» акциядорлик жамияти раиси Абдумутал Мамажоновга онаси

РУҚИЯ аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Агросаноат мажмуи ходимлари касабга уюшмаси Тошкент шаҳар қўмитаси «Равшан» акциядорлик жамияти раиси Абдумутал Мамажоновга онаси

БРОНШТЕЙН

Вариантларни тез ҳисоблаш ва уларни тўғри баҳолаш борасида у шубҳасиз, ўша вақтларда жаҳоннинг ҳамма шахматчиларидан устун турарди. Унинг ўйинига хос бўлган камчилик — хиёлига гайриодатийлигини кўрсатиб ўтиш мумкин: бу борада у рақибдан анчагина кучсиз эди. Бундан ташқари кечиктирилган партияларни таҳлил қилишни унчалик яхши билмасди».

Ботвинник-Бронштейн баҳси узоқ вақтгача шахмат оламнинг ёдидан кўтарилмади. Сабаби охириги, 24-партиягача кескинлик бир дақиқа ҳам пасаймаганидагина эмас эди, балки рақиблар чиндан-да жаҳон биринчилиги матчиға муносорини кўрсатдилар. Хатолар, ноанқликлар бўлди, албатта, лекин 22-партия матчидаги энг яхши партия бўлдики, у ўзининг драматизми ва кизгинлиги, шунингдек, иккала иштирокчи намоёиш этган маҳоратга кўра чинакам санъат асарини тенглаштиришга арзигулиқдир.

Матч дуранг билан тавадди. Лекин бу — қандайдиган Ботвинникча чемпионлик унвонини сақлаб қолиш имконини берди.

Матч дуранг билан тавадди. Лекин бу — қандайдиган Ботвинникча чемпионлик унвонини сақлаб қолиш имконини берди.

Матч дуранг билан тавадди. Лекин бу — қандайдиган Ботвинникча чемпионлик унвонини сақлаб қолиш имконини берди.

Матч дуранг билан тавадди. Лекин бу — қандайдиган Ботвинникча чемпионлик унвонини сақлаб қолиш имконини берди.

Матч дуранг билан тавадди. Лекин бу — қандайдиган Ботвинникча чемпионлик унвонини сақлаб қолиш имконини берди.